

657.1
М-93

Г.Я.МУХИБОВА

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

*(Қурилишда бухгалтерия
ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари)*

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

657.1
M-93

1203

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Г.Я.МУХИБОВА

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ
(Қурилишда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос
хусусиятлари)
Ўқув қўлланма

TAQI Axborot resurs markazi
№ БМ

Тошкент-2020

Муаллиф: Г.Я.Муҳибова

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит

(Қурилишда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари)

Ўқув қўлланма, 170 бет.

Ўқув қўлланма бухгалтерия ҳисобининг янги режасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва халқ хўжалиги соҳаси сифатида қурилишда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг услубий асосларини очиб беради.

Биринчи қисмда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга таъсир кўрсатадиган, қурилишда нархни шакллантириш ва қурилиш ишлаб чиқаришининг ташкилий-технологик жиҳатлари кўриб чиқилган. Иккинчи қисм талабаларни узоқ муддатли активларга инвестицияларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг молиялаштириш манбалари ҳақида хабардор қилади. Учинчи қисмда қурилиш ташкилотларда харажатларни ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилади.

Молиявий ҳисобнинг умумий курсига асосланиб, қуйидаги ўқув қўлланма талабаларга қурилишда бухгалтерия ҳисобининг алоҳида хусусиятларини ўрганишга имкон яратиб беради. Ўз-ўзини назорат қилиш ва олинган билимларни мустақамлаш учун қўлланманинг ҳар бир бўлимига тест саволлари бириктирилган. Ундан ташқари, қўлланмада иловалар ҳам мавжуд, улар ўз ичига қурилиш фаолиятини тартибга соладиган асосий меъёрий ҳужжатларни олади, бу эса, шубҳасиз, материални яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Ўқув қўлланма техник мутахассислик талабалари учун махсус курс сифатида мўлжалланган.

Тақризчилар: И.Х. Давлетов – Тошкент архитектура-қурилиш институти

“Қурилишда менежмент” кафедраси мудири профессор.

Ч.Ш. Бекмуратова – “Shukurjon-SHS” шўъба корхонаси раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20-июлдаги 654-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланма сифатида нашр этишга рухсат берилди (гувоҳнома № 654-350).

0199-қўлланма?

©ТАҚИ-2020

КИРИШ

Тижорат фаолияти турларининг ҳилма-ҳиллигига қарамай қурилиш етакчи соҳалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси сифатида, қурилишга, қурилиш, монтаж, бурғилаш, таъмирлаш, лойиҳалаш ва изланиш ишларини амалга оширадиган корхоналар ва ташкилотлар киради. У кўплаб соҳаларнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсирни кўрсатади.

Қурилиш маҳсулоти бўлиб тугатилган ва фойдаланишга топшириш учун тайёрланган янги ва таъмирланаётган саноат корхоналари ва цехлари, яшаш уйлари, жамоат бинолари ва бошқа объектлар ҳисобланади.

Замонавий шароитларда бухгалтер ташкилотнинг молиявий фаолиятига таъсир қиладиган деярли ҳар бир қарорнинг қабул қилинишида, айниқса шартномаларни тузишда овозга эга бўлиши лозим, чунки оҳир оқибатда айнан у молиявий йўқотишларнинг сабабларини тушунтиришга мажбур бўлади.

Қурилишни бошқа соҳалардан ажратиб турадиган жиҳати бўлиб якуний маҳсулот ерга нисбатан доим кўзгалмас, бетакрор (ҳатто объектлар бир ҳил лойиҳа бўйича қурилган бўлса ҳам), узоқ муддат эксплуатация қилинишга мўлжалланганлиги ҳисобланади.

Қурилишнинг бош соҳаси бўлиб асосий фондларни яратиш (янгилаш) ҳисобланади.

Таклиф этилаётган ўқув қўлланма «Қиймат инжиниринги» ва «Экспертиза ва кўчмас мулкни бошқариш» йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар ва тингловчиларга йўналтирилган ҳамда қурилишда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини очиб берган.

Қуйидаги ўқув қўлланманинг асосий мақсади бўлиб қурилиш соҳасида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади. Қўйилган мақсадга мувофиқ қўлланмада қуйидаги вазифалар ечилади:

1. Қурилишнинг ташкилий ва технологик ўзига хос хусусиятлари ёритилади;

2. Қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилади;

3. Қурилишда нарх шаклланишнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилади;

4. Турли капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши ўрганиб чиқилади;

5. Қурилиш ташкилотлари харажатларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий натижани аниқлаш тартиби очиб берилади.

І БОБ. ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

1.1. Қурилиш ишлаб чиқаришининг ташкилий-технологик ўзгача хос хусусиятлари


Инвестицион давр қурилиши тушунчаси.

Қурилиш моддий ишлаб чиқаришининг соҳаси сифатида халқ хўжалиги асосий фондларини ташкил этиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ, уларнинг яратилишида иштирок этади. Унинг маҳсулоти — бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун тайёрланган, қурилиши тугалланган ва эксплуатацияга топширилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларидир.

Қурилиш ишлаб чиқариши кенг соҳали ва соҳалараро алоқалар билан характерланади. Бино ва иншоотларнинг мураккаблиги қурилишнинг кўплаб иштирокчилари бирлашувини талаб этади. Бундан улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини капитал қурилишнинг марказлашган бошқарувини кучайтириш ва бошқарувнинг барча даражаларида хўжалик ҳисобини ривожлантириш асосида доимо такомиллаштириб бориш зарурати келиб чиқади. Иқтисодиёт интенсификацияси шароитида капитал қўйилмаларнинг қайта ишлаб чиқариш тузилмаси ўзгаради. Умумий ҳолда капитал қўйилмалар тузилиши деганда, турли вазифаларни бажарадиган харажатларнинг миқдорий муносабати тушунилади.

Моддий тузилиш капитал қўйилмаларни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш вазифадаги қурилишга ажратишни назарда тутаяди.

Капитал қўйилмаларнинг технологик тузилиши уларнинг асосий фондлар алоҳида элементларини қайта ишлаб чиқариш учун тақсимланишини характерлайди. Капитал ишлар, капитал харидлар, бошқа капитал ишлар ва харажатлар ажратилади.



1.1-расм. Капитал қўйилмаларнинг тузилиши.

Қурилиш билан «капитал қўйилмалар» тушунчаси чамбарчас боғлиқ, улар ўзида асосий фондларни қайта ташкил этиш учун меҳнат, моддий ва пул ресурслари харажатларининг йиғиндисини намоён қилади.


Режалаштириш ва бухгалтерия ҳисоби амалиётида капитал қўйилмалар асосий воситалар мақсадли йўналишини таъкидлаб, маълум мезонлар бўйича таснифланади. Шу муносабат билан капитал маблағларнинг репродуктив, моддий ва технологик таркиби фаркланади ҳамда уларни қурилиш турлари бўйича ажратиш қабул қилинган (1.1-расм).

Капитал қўйилмаларнинг репродуктив тузилиши уларнинг янги қурилишга, мавжуд ташкилотлар ва объектларни кенгайтиришга,

реконструкция қилишга ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганини кўрсатади.

Капитал ишларнинг икки тури ажратилади: қурилиш ва монтаж. «Қурилиш-монтаж ишлари» термини ҳам кўп қўлланилади.

Қурилиш ишларининг таркибига умумқурилиш, санитар – техник, тоғ-капитал, махсус қурилиш ишлари киритилади. Бу гуруҳга энергия таъминотининг ички ва ташқи тармоқларини, электрузатиш ва алоқа линияларини қуриш бўйича ишлар ҳам киради. Қурилиш ишлари рўйхати Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМваК) да келтирилган.



1.2-расм. Капитал ишлар турлари.

Жиҳозларни монтаж қилиш бўйича ишлар таркибига қуйидагилар киради: барча турдаги жиҳозларни йиғиш ва ўрнатиш; таъмирланаётган жиҳозлар таркибига кирадиган саноат қувурларини созлаш; ўрнатилган жиҳозлар ва қувурларни изоляциялаш ва бўяш; жиҳозлар билан конструктив боғланган еки бирга етказиладиган хизмат кўрсатиш майдончаларини, зиналар ва бошқа қурилмаларни йиғиш ва ўрнатиш (1.2-расм).

Капитал ишлар учун харажатлар капитал қўйилмаларнинг шундай қисми ҳисобланадики, у бино ва иншоотларни қуришнинг меҳнат хажмини ва давомийлигини асослайди.

Капитал харидларга қурилиш сметаларида кўзда тутилган барча турдаги жиҳозлар (таъмирланаётган ва таъмирланмаётган), инструментлар ва инвентарнинг қиймати киради.

Бошқа капитал ишлар ва харажатлар қурилаётган ташкилот ёки объектнинг вазифасига ва аксарият даражада қурилиш шароитларига боғлиқдир. Уларга лойиҳа-изланиш ва илмий-тадқиқот ишлар учун харажатлар, ер майдонлари учун пул олиш ва қурилиш сабабли одамларни бошқа жойларга кўчириш, қурилаётган ташкилот бошқарувини ва техник назоратини таъминлаш, эксплуатацион кадрларни тайёрлаш, ҳукумат қарори бўйича имтиёзлар ва бошқа харажатлар киради.

Халқ ҳўжалиги бўйича капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси ЎзР Давлатқўм маълумотларига кўра умумий равишда қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

- Капитал ишлар 51%-55%,
- Капитал харидлар 35%-37%,
- Бошқа ишлар ва харажатлар 10%-11%.

Капитал қўйилмаларни режалаштириш билан қуйидаги тушунчалар боғлиқ: объект, қурилиш, қурилиш навбати, ишга туширувчи мажмуа, тугалланмаган қурилиш, тугалланмаган қайта таъмирлаш, қурилишнинг давомийлиги (гlossарийга қаранг).

Ўз ичига қайта қурилиши бошланаётган ва қайта таъмирланиши ва техник қайта жиҳозланиши мўлжалланаётган фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ва объектларни олган тасдиқланган рўйхатлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ва бўлимларни ўз ичига оладиган капитал қўйилмалар режаси шакллантирилади: ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш, асосий фондларни ишга тушириш, давлат капитал қўйилмалари ва қурилиш-монтаж ишларининг лимитлари, қурилишларнинг титулли рўйхатлари.

Ишлаб чиқариш қувватлари ва ноишлаб чиқариш вазифасидаги объектларнинг ишга туширилиши натурал бирликларда режалаштирилади. Амалдаги ишлаб чиқариш ва янги қурилиш бир бутун сифатида кўрилади. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш вазифасидаги объектларни ишга тушириш биринчи навбатда мавжуд ташкилотларни техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш натижасида қувватларнинг кўпайиши ҳисобига мўлжалланади.

Асосий фондларнинг ишга туширилиши ишга туширилаётган ноишлаб чиқариш вазифасидаги ташкилотлар ва объектларнинг сметавий қиймати билан аниқланади. Бу кўрсаткич турли натурал ўлчов бирликларга эга бўлган ташкилотлар, бинолар ва иншоотларнинг умумий йиғиндисининг баҳоланиши учун қўлланилади. Ўз иқтисодий моҳияти бўйича у иккиламчи ҳисобланади. Бирламчилар бўлиб натурал кўринишдаги кўрсаткичлар иштирок этади.

Капитал қўйилмалар ва қурилиш-монтаж ишларининг лимити уларнинг максимал катталигини белгилайди.

Капитал қурилишни режалаштириш жараёнида икки кўринишдаги титулли рўйхатлар тузилади: қурилишларнинг ва ички қурилмаларнинг (глоссарийга қаранг). Биринчилар давлат капитал қўйилмалар режаси билан кўзда тутилган қурилишлар рўйхатини, иккинчилар эса — аниқ қурилиш бўйича йиллик капитал қурилиш режасига киритилган объектлар (қурилиш ичидаги объектлар рўйхати) рўйхатини намоён қилади. Титулли рўйхатларни буюртмачилар ишлаб чиқадилар. Охиригилар ролида давлат капитал қурилиш режаси тасдиқланган ва мос равишда капитал қўйилмалар учун маблағлар ажратилган ёки бу мақсадлар учун ўз маблағларига эга бўлган ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар иштирок этади. Буюртмачиларни титул эгаси деб номлаш қабул қилинган. Тасдиқланган титулли рўйхатлар қонун кучига эга бўлади. Улар бутун қурилиш даври учун ўзгармас, буюртмачилар, қурилиш-монтаж ташкилотлари, режавий, молиявий, банк ва таъминлаш органлари, конструкциялар ва жиҳозларни етказиб берувчилар учун мажбурий режавий ҳужжатлар бўлиши керак.

Инвестициялар ўзида асосий фондларга бир вақтнинг ўзида йўналтирилган

маблағларни намоён қилади. Инвестицион давр — бу янги ташкилот ва объектларни яратиш, ёки амалдагиларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш даври. У ўз ичига уч босқични олади: маблағларни киритиш (режалаштириш ва лойиҳалаштириш), маблағларни ўзлаштириш (лойиҳавий қувватларни қуриш ва ўзлаштириш), киритилган маблағларни қоплаш. Шу билан бирга киритилган маблағларни қоплаш деганда, олинган даромад ҳисобига уларнинг тўлиқ ўз—ўзини қоплаши ҳисобланади. Инвестицион даврнинг давомийлиги (1.3-расм) лойиҳалашнинг бошланишидан то киритилган маблағларнинг тўлиқ қопланишигача бўлган вақт оралиғи билан белгиланади.



1.3-расм. Инвестицион даврнинг давомийлиги.

Капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишнинг бош омили бўлиб инвестицион сиёсатга янгича ёндашув ҳисобланади. Қатор йирик ташкилотларнинг тажрибаси шунни кўрсатмоқдаки, реконструкция ёки техник қайта жиҳозлашга капитал қўйилмаларнинг қайтиши янги қурилишга қараганда тахминан икки баравар юқорироқдир. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш негизида турган қурилиш - монтаж ташкилотлари фаолиятининг якуний натижаларини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам боғлиқ.

Қурилиш фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши

Қурилишни ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига қатор саволларни қамраб

олган рўйхатдан иборат, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. лицензиялаштириш тартиби ва шартлари;
2. қурилиш фаолиятини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари;
3. қурилишда шартномавий муносабатларни тартибга солиш;
4. давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган қурилиш

фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари;

5. қурилиш фаолияти доирасидаги ер, экологик ва табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги масалалари;

6. қурилиш тартибини бузганлик учун ташкилотлар ва ваколатли шахсларнинг мажбуриятлари;

7. ва бошқалар.

Қурилиш фаолиятини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- ЎзР Қонунлари;
- ЎзР Президентининг фармонлари;
- ЎзР Ҳукуматининг қарорлари;
- ЎзР Қурилиш вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан қурилиш меъёрлари ва қоидалари;
- Бошқа давлат органлари (ЎзР Давсолиқхизмати ва б.) нинг меъёрий ҳужжатлари.

Бундан ташқари, қурилишни меъёрий тартибга солиш учун ЎзР қурилиш вазирлигининг ҳужжатлари катта аҳамиятта эга – қурилиш меъёрлари ва қоидалари турли кўринишдаги қурилишларга бўлган техник ва бошқа талабларни, қурилишни олиб бориш тартибини ва бошқаларни белгилайди.

Қурилиш жараёнида у ёки бу даражада деярли барча юридик ва жисмоний шахслар иштирок этади – бирлари буюртмачи ва пудратчилар сифатида, бошқалари – молиялаштиришни таъминлайдиган назораг органлари ва ташкилотлари ролида, учинчилари – оддий фойдаланувчилар ролида.

Қурилиш фаолиятини номлаш учун турли туман терминлардан фойдаланилади – «капитал қурилиш», «қурилиш-монтаж ишлари»,

«Қурилиш»нинг ўзи ва б.

Фуқаролик Кодексининг 666-моддаси «Қурилиш пудрати шартномаси» га кўра қурилишга (ёки қурилиш пудрати шартномаси бўйича амалга ошириладиган фаолиятга) киритилган:

- корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш;
- монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш;
- бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишлари.

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига nisbatan ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада кўрсатилган муддатда ишлатишни таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади.

Тугалланмаган қурилишнинг мулкдори у буюртмачига топширилгунча ва унинг ҳақи тўлангунча пудратчи ҳисобланади.

Фуқаролик Кодексиди қурилиш пудрати бўйича шартномавий муносабатлар батафсил тартибга солинган ва қурилиш пудрати шартномаси бўйича белгиланадиган муносабатларнинг чегаралари аниқ кўрсатилган.

Қурилишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, бу фаолият тури билан ташкилотлар фақат махсус лицензия асосида шуғулланишлари мумкин.

Қурилиш иштирокчилари бухгалтерия ҳисобида хўжалик операцияларни акс эттиришда Ўзбекистон Республикасининг № ЎзРҚ-404 13 апрел 2016 йилдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда белгиланган амалдаги қоидаларга амал қиладилар.

Қурилиш ишларини бажариш ва реализация қилиш бўйича харажатларни акс эттириш ва молиявий натижаларни шакллантириш қурилишнинг ўзига хос соҳавий жиҳатларни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги № ПҚ-3240 «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади.

1.2 Қурилиш жараёнини ташкил этиш

Инвестицион жараён якуний мақсадга – белгиланган муддатда берилган иқтисодий кўрсаткичли объектни қуришга эришиш учун ўзаро таъсир кўрсатувчи, ўзаро боғлиқ компонентларнинг яхлит тизимини намоён қилади.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатиши учун уни бошланғич даврнинг ўзидан аниқ, илиий асосланган ҳолда ташкил этиш ва объектларни қуриш давомида уларнинг иштирокчилари ўзаро ҳамкорлигини доимий равишда таъминлаш зарур. Анъанавий тарзда ташкил этилган қурилиш жараёнида инвестор, буюртмачи ва пудратчи иштирок этади.

Инвестор бўлиб, янги асосий воситаларни ташкил этиш ва амалдагиларни қайта ишлашга капитални киритадиган юридик ёки jisмоний шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси иштирок этади. Улар мустақил равишда капитал қўйилмаларнинг хажмлари ва йўналишларини белгилайдилар, инвестицион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари билан шартномалар тузадилар, қурилишни молиялаштиришга йўналтирилган шахсий ва қарз маблағларининг мақсадли фойдаланилишини назорат қиладилар. Инвестор объект қурилиши учун

шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқади, савдоларни эълон қилиш ёки хусусий таклифлар орқали лойиҳачиларни, пудратчиларни, етказиб берувчиларни аниқлаш мақсадида қурилишнинг ташкилий шаклларига оид қарорларни қабул қилади, инвестицион жараён иштирокчилари билан молиявий-кредит муносабатларни ташкиллаштиради. Инвестор қурилиш объектнинг буюртмачиси, кредитори, ҳаридори сифатида иштирок этиши мумкин.

Буюртмачилар бўлиб инвестор томонидан ваколатга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахслар, улар инвестицион лойиҳаларни амалга оширадилар, яъни объектларнинг кўтарилишини режалаштирадилар ва молиялаштирадилар, уларнинг эксплуатациясини ташкил этадилар. Улар битим ва (ёки) давлат шартномаси билан белгиланган ваколатлар даврида ва доирасида капитал қўйилмаларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларига эга бўладилар. Буюртмачи қурилишларнинг титул рўйхатларини тузади, қурилаётган объектларни лойиҳа-смета ҳужжатлари, жиҳозлари, қурилиш материаллари, энергия ресурслари, эксплуатацион персонал кадрлари билан таъминлайди, ер майдонининг қурилиш учун ажратилиши, лойиҳа-қидирув ишлари ва қурилишни молиялаштириш масалаларини ҳал қилади.

Бундан ташқари унинг функцияларига қурилишда амалга оширилаётган харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини олиб бориш, эксплуатацияга топширилаётган объектларнинг инвентар қиймати ҳисобида уларни тўғри аниқлаш ва акс эттириш.

Буюртмачи, қоида бўйича, шартномани умумқурилиш ташкилоти билан тузади, у бош пудратчи сифатида иштирок этади. Бош пудрат ташкилоти қурилиш-монтаж ишларининг бир қисмини ўз кучи билан бажаради, махсус ишларни бажариш учун эса субпудратчи сифатида шартномавий асосда махсуслаштирилган ташкилотларни жалб қилади, уларнинг биргаликдаги ишини йўналтиради ва ташкиллаштиради ва қурилаётган объектларнинг сифати ва ўз вақтида эксплуатацияга топширилиши учун масъулдир.

Субпудрат ташкилотлари муайян турдаги ихтисослаштирилган ишларни

15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби сўтлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21 сонли стандарти. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2007й.
16. Ю.А. Бабаева и др. Бухгалтерский финансовый учет. Учебник для вузов М: Вузовский учебник – ВЗФЭН 2010
17. Р.Д. Дўстмуродов. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Т. Янги йил полиграф сервис 2007 й.
18. А.Каримов ва бошқалар. Бухгалтери яҳисоби – Т «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси 2004 й:
19. Ткач В.И.и др.Бухгалтерскийучет в строительстве с элементами налогообложения.–М.: Издательство «ПРИОР», 2002. – 112 с.
20. Хошимов В.А. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Т. «Янги аср авлоди» 2004 й
21. Ковальский М.И. Управление строительством: опыт США, Японии, Великобритании, ФРГ, Канады. – М.: Стройиздат, 1994. – 416с.
22. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет: Учебное пособие. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ИНФРА-М, 1999. - 584с.
23. Котко А. Учет операций по договору строительного подряда// Экономика и жизнь, Бухгалтерское приложение, 1998, № 5, с.25-26.
24. Кредитование и расчеты в строительстве. Под ред. Н.И.Валенцевой . – М.: Финансы и статистика, 1993. – 192с.
25. Кудашов Е.А. Строительная система: переход к рынку. - М.: Наука, 1993. - 171с.
26. Литвин Б.М. Учет и калькулирование себестоимости в строительстве. - М.: Финансы и статистика, 1994. - 125с.
27. Литвин Б.М.Эффективность строительного производства: планирование, учет, анализ.– 1994. - 205с.

КИРИШ.....	3
I БОБ. ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1. Қурилиш ишлаб чиқаришининг ташкилий-технологик ўзига хос хусусиятлари.....	5
1.2. Қурилиш жараёнини ташкил этиш.....	13
1.3. Қурилишнинг технологик ўзига хос хусусиятлари.....	23
1.4. Қурилишда нархни шакллантириш.....	28
1.5. Қурилиш ишларининг сметавий қийматини аниқлаш усуллари... 39	
1.6. Инвестицион соҳада қўлланиладиган шартномаларнинг турлари 48	
II БОБ. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ ҲИСОБИ	
2.1. Капитал қўйилмалар манбаларининг ҳисоби.....	50
2.2. Капитал қўйилмалар шаклидаги инвестициялар.....	61
2.3. Қурилиш ташкилотининг хусусий маблағлари.....	64
2.4. Мулкий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар. Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500).....	65
2.5. Устав капитали. Устав капитални ҳисобга олувчи счётлар (8300).....	67
2.6. Захира капитали. Захира капитални ҳисобга олувчи счётлар (8500).....	70
2.7. Қўшилган капитал. Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар (8400).....	73
2.8. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар). Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар (8700).....	75
2.9. Келгуси харажатлар резервлари. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар (8900).....	76
2.10 Қарзга олинган молиявий воситалар.....	78
2.11. Жалб қилинган маблағлар.....	78
2.12. Капитал қўйилмалар (узок муддатли инвестициялар) ҳисоби....	79
2.13 Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар.....	153
ГЛОССАРИЙ	163
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	168